

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТУТГАН ЎРНИ

А. А. Кулматов

И.ф.н., Ўзбекистон Миллий университети “Макроиқтисодиёт” кафедраси доценти

ARTICLE INFO.

Таянч сўзлар: инфратузилма, транспорт инфратузилмаси, миллий транспорт тизими, миллий транспорт инфратузилмаси модели, йўловчи айланмаси, юк ташиш, йўл тирбандлиги.

Аннотация

Маколада транспорт инфратузилмаси тадбиркорликни ривожлантириш омили сифатида ўрганилган. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари тадқиқ этилган. Республика транспорт инфратузилмасининг бугунги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган ҳамда мавжуд муаммолар аниқланган. Миллий транспорт тизимини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида улардан фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Кириш

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли технологияларни транспорт тизимларида қўллаш орқали инфратузилмасини такомиллаштириш ҳам иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан сезиларли фойда келтирмоқда. Европа Иттифоқи расмий маълумотларига кўра, Европа магистралларида интеллектуал транспорт тизимларини (ИТТ) қўллаш минглаб йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олган, тирбандлик туфайли йўқоладиган 1,2 млн соатга яқин вақт тежалган. Голландиядан Германия орқали Италиянинг жанубига ўтувчи Ursa Major йўли юк ташиш оқимини яхшилаш мақсадида рақамлаштирилган ва натижада саёҳат вақти 13 фоизга ҳамда углерод чиқиндилари миқдори 22 фоизга қисқарган. Дунёнинг йирик шаҳарлари тажрибаси шуни кўрсатадики тирбандлик муаммосини фақат автомобиль йўллари куриш ёки кенгайтириш билан ҳал қилиб бўлмайди, транспорт оқимини самарали тартибга солиш учун ИТТ ни жорий этиш керак бўлади. Бугунги кунда муҳим лойиҳалардан бири “Буюк ипак йўли” ни қайта тиклашга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади. Мазкур йўналишда биргина Хитой томонидан “Бир камар, бир йўл” глобал транспорт **коридорларини** яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки босқичда 900 млрд.АҚШ долларидан зиёд миқдордаги маблағ режалаштирилган. Шу жиҳатдан жаҳон миқёсида транспорт тизимлари ва инфратузилмасини жадал ва мувофиқлаштирилган ҳолда ривожлантиришга долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида транспорт коммуникацияларини замонавий талаблар асосида жадал ривожлантиришга эътибор қаратилиб, кенг қамровли ва мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Барча

транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш”¹ зарурлиги устувор вазифа сифатида белгиланди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

“Инфратузилма” тушунчаси (лотинча “infra”- остида, қуйида, “structure” - таркибий тузилиш) кенг маънода мамлакат иқтисодиётининг амал қилишини таъминловчи тармоқлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар соҳаси ҳисобланади². Бу таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар, қонун ва ҳуқуқ-тартиботга амал қилишини назорат қилувчи тузилмалар, алоқа, энергия, транспортдир. Яъни буларнинг ҳаммаси мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон ва минтақатарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилган комплекс тадқиқотлар материалларини таҳлил қилган ҳолда, жуда чекланган ҳажмда бўлсада, инфратузилма бўлимлари тўлиқ мавжуд эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Агар ривожланган мамлакатларга қарайдиган бўлсак, у ерда инфратузилма иқтисодиётнинг кўлами, ҳажми ва жалб қилинган ресурсларнинг хусусияти бўйича ҳамда ЯИМ динамикаси ва таркибига таъсирига кўра, бутун хўжалик тизимининг амал қилиши учун аҳамиятли ҳисобланади. Мустақил тизим унсури сифатида у иқтисодиётнинг барча миллий ва минтақавий моделларига хос, шу сабабли иқтисодиёт таркиби ва инфратузилмаси ўзаро таъсирини назарий асослаш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар долзарб ҳисобланади³.

Иқтисодий адабиётда “инфратузилма” тушунчаси XX асрнинг 40-йилларида америкалик иқтисодчи П.Розенштейн-Родан ва немис иқтисодчиси Х.Зинтернинг асарларида вужудга келди. “Инфратузилма” тушунчаси ярим асрдан буён кўплаб иқтисодий тадқиқотларда қўлланилиб келаётган бўлишига қарамаздан, унинг мазмунига ягона нуқтаи назар, ҳалигача мавжуд эмас.

Ғарб иқтисодчи-олимлари кўпинча “инфратузилма” тушунчасининг синоними сифатида “Ижтимоий фактурали капитал” (“overhead capital”) тушунчасини қўллайдилар. Масалан, Пол А.Самуэльсоннинг ёзишича: “Фақат давлат томонидан киритиладиган кўпгина инвестициялар хусусий секторнинг муваффақиятли ривожланиши учун шарт-шароит яратади. Бундай капитал қўйилмалар ижтимоий фактурали капитал (“overhead capital”), деб аталади, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ учун йўлни тозаловчи (масалан, йўллар, ирригация тизимлари ва б.) йирик қўламли лойиҳаларни ўзида мужассамлаштиради.

Юқорида баён қилинганлар асосида “инфратузилма” тушунчасини икки нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин. Биринчиси шундан иборатки, инфратузилма — бу ҳар хил турдаги хизматларни таъминлайдиган тармоқлар мажмуидир. Иккинчиси — инфратузилма — бу саноат тармоқларини ривожлантириш учун зарурий умумий шароитлар мажмуидир. Бироқ инфратузилма моддий-буюмлашган шаклдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шарт-шароитни таъминлашини бу икки нуқтаи назар учун умумий, деб ҳисоблаш мумкин.

Америкалик олим П.Розенштейн-Роданни иқтисодий фанда “инфратузилма” тушунчасидан фойдаланишнинг асосчиси, деб ҳисобланади. У ушбу тушунчани “хусусий тадбиркорликнинг қулай ривожланишини таъминлайдиган”⁴ ва бутун аҳоли эҳтиёжларини қондирадиган шарт-шароитлар мажмуи ҳамда иқтисодий ўсишнинг омилларидан бири сифатида талқин қилади. У иқтисодиётнинг негиз тармоқларини - энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, саноат, алоқани

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// www.president.uz

² Кураков Л.П. Энциклопедический словарь: экономика, инновации, инвестиции и инфраструктура. -2008.

³ Новоселов А.С.Региональные рынки: учеб.-М., 1999.-С.168-170

⁴ Региональные исследования за рубежом./Под ред.Ю.М.Павлова, Э.Б.Алаева. М.:Изд-во «Наука», 1973. — С. 109

унинг асосий унсурлари, деб ҳисоблаб, уларнинг ривожланиши тез қопланадиган инвестицияларни рўёбга чиқариш учун моддий асос яратади⁵, деб таъкидлайди.

А.Пезенти ва П.Самуэльсоннинг таъкидлашича, давлат инфратузилмани ривожлантириш орқали хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратади ҳамда иқтисодий инқирозга қарши тартибга солишга олиб келади⁶.

Хорижлик иқтисодчилар инфратузилмага бизнес юритишда харажатларни камайтириш имконини берадиган тадбиркорлик умумий шароитларининг таркибий қисми сифатида қарайдилар. А.Маршалл “ижтимоий харажатлар” концепцияси⁷ асосида давлат ва жамиятнинг инфратузилма амал қилишига харажат қилишини кўрсатади.

Совет иқтисодий назариясида инфратузилма асосий ишлаб чиқаришга нисбатан иккиламчи бўлган юк транспорти, энергетика ва ҳоказолар сифатида аниқланган. “Моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи тармоқлар мажмуи”ни С.А.Хейман инфратузилма, деб атайди⁸.

А.А.Амбарцумов ва Ф.Ф.Стерликовлар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва кишилар ҳаёт фаолияти умумий шароитларини таъминлайдиган ўзаро боғлиқ хўжалик тармоқлари мажмуи сифатида таърифлайди⁹.

Е.А.Абрамова ва А.Н.Ильиченколар инфратузилмани “ишлаб чиқариш тавсифидаги турли-туман хизмат кўрсатувчи ёки аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик тармоқлари мажмуи”¹¹, деб таърифлайдилар.

Шундай қилиб, хорижлик олимлар инфратузилмани турли хўжалик тармоқлари мажмуи бўлиб, улар иқтисодийнинг меъёрида амал қилиши учун ташкилий-иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шароитлар яратади, деб таърифлайдилар. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий фаолиятни бозор орқали тартибга солиш тамойиллари мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимининг бир қисми ҳисобланиб, уларни ислоҳ қилиш жараёни маҳаллий бозорларда бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш соҳасидаги назарий изланишларни белгилайди¹².

Ҳозирги шароитда минтақаларни бошқаришнинг янги механизмларига эҳтиёж вужудга келиб, улар аҳоли Турмуш сифати ва ҳудуд рақобатбардошлигининг ўсишига олиб келади. 2000 йилларда минтақа инфратузилмаси муаммолари миллий олимлар томонидан фаол тадқиқ этила бошлади. Россиялик олимларнинг тадқиқотларида минтақа инфратузилмаси тушунчаси ўзаро боғлиқ объектлар бир бутун мажмуи сифатида талқин этилиб, улар ижтимоий бойликни, минтақа ҳудудида такрор ишлаб чиқаришни ташкил этади, меҳнат бозори ва бошқа ишлаб чиқариш омилларининг амал қилишига таъсир кўрсатади.

Минтақа иқтисодий унинг таркиби бир хилмаслиги, аниқ олинган қудуд хусусиятлари ва ривожланиш шароитлари билан боғлиқ равишда, минтақанинг бутун иқтисодий макони учун интеграцияловчи вазифани бажаради; минтақа салоҳиятини, бошқарув сифати, ташқи муҳит билан муносабатни белгилайди; минтақа барқарорлиги учун ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланган ҳолда, иқтисодий хавфсизликни таъминлайди.

⁵ Никитская Е.Ф., Пойкин А.Е. Концептуальные подходы к сущностной характеристике экономической и инновационной инфраструктуры. [Электронный ресурс]. Интернет-журнал «Науковедение». Том.8.№2 (2016). Режим доступа: <http://naukovedenie.ru/PDF/77EVN216.pdf/> (дата обращения: 07.05.2017).

⁶ Никитская Е.Ф., Пойкин А.Е. Концептуальные подходы к сущностной характеристике экономической и инновационной инфраструктуры. [Электронный ресурс]. Интернет-журнал «Науковедение». Том.8.№2 (2016). Режим доступа: <http://naukovedenie.ru/PDF/77EVN216.pdf/> (дата обращения: 07.05.2017).

⁷ Носова Н.С. Социальная инфраструктура в воспроизводственном процессе. М., Экономика, 1984.

⁸ Хисамутдинов И.А. Основы экономики и теории рынка. Уфа: УГНТУ, 2010. 734 с.

⁹ Амбарцумов А.А., Стерликов Ф.Ф. 1000 терминов рыночной экономики. Справочное учебное пособие. М.: Кром-Пресс, 1993. С. 100

Минтақа иқтисодиётининг таркиби турли йўналишдаги минтақавий интеграцияни ташкил қилган ҳолда унинг инфратузилмаси ҳар хил турлари билан мунтазам ўзаро таъсирлашади: пировард истеъмол маҳсулотларини сотиш бозорлари ташкил қилинади ва ривожлантирилади, корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатилади, моддий ва меҳнат ресурсларининг таъминоти ташкил қилинади.

Минтақавий инфратузилма унинг ҳар хил турлари кенг тўплами билан тавсифланади. Н.А.Иванова минтақа инфратузилмасининг 9 та турини ажратади: муҳандислик, транспорт, уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмаси, бозор, ижтимоий, инновация ва илмий фаолият инфратузилмаси, инвестицион, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси, туристик.

Илмий адабиётларда транспорт инфратузилмасининг миллий ва минтақавий иқтисодиётдаги устувор ўрни аниқланган. Л.Е.Еремееванинг таъкидлашича, транспорт инфратузилмаси исталган саноат тармоғи, ноишлаб чиқариш соҳасининг амал қилишига таъсир кўрсатган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланади. Шу сабабли унинг самарасиз ривожланиши иқтисодий ўсишнинг ҳар қандай алоҳида олинган тармоғи, Россиянинг исталган минтақасининг бартараф қилиш қийин бўладиган тўсиғи бўлиб қолади”¹⁰.

Н.С.Носова энергетик ва алоқа инфратузилмасига тенг транспорт инфратузилмасини ҳам ишлаб чиқариш инфратузилмасига киритади, у минтақа даражасида маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган тармоқлар мажмуини ўзида мужассамлаштиради¹¹. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масаласи тарихи бир қанча асрларга бориб тақалади ва А.Вебер, В.Кристаллер, Ф.Перу, И.Г.Тюнен, А.Леш ва бошқаларга тегишли макондан, ўсиш нуқталаридан ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришдан фойдаланиш назарияларида ўз аксини топади.

Масалан, И.Г.Тюнен ўзининг “Ажралган давлат” асарида корхоналарни ҳудудлар ўртасида жойлаштириш ва концентрациялаш механизмларини таҳлил қилишга макон жиҳатидан ёндашувни ишлаб чиқади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини жойлаштириш назариясини куйидаги омиллар ўзаро алоқадорлигига асосланиб талқин қилади: ишлаб чиқариш жойидан сотиш бозорларига қадар тафовут, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар хил турларига нархлар ва ер рентаси. Натижада у шундай хулосага келадики, шаҳардан узоклашган сари босқичма-босқич ерга ишлов бериш интенсивлиги тушиб кетади ва бунинг оқибатида бозорга яқин жойлашган участкаларда энг юқори рентага эришилади.

А.Вебер “Саноатни жойлаштириш назарияси” тадқиқотида ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилларини ажратиб, улар штандортни ягона ёки корхоналар гуруҳини жойлаштириш оптимал ўрни каби аниқлайди. Транспорт харажатлари иккита омил билан белгиланади: ташиладиган юклар оғирлиги ва ташиш узоклиги. Агломерацион самарани ўрганиб, шундай хулосага келадики, материал сифимли тармоқлар тахминан бозорга ҳам эгалик қилиб қолмай, балки хом ашё манбаларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ¹².

Ф.Перу ўзининг ўсиш нуқталари назариясида макон-худудий алоқаларини ўрганиб, уларнинг асосини иқтисодиёт тармоқ таркибининг етакчилик роли ҳақидаги тасаввурдан иборатдир, деб таъкидлайди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарининг жойлашган ўрни корхоналарни яқинлаштириш нуқталари бўлиб ҳисобланади, чунки улардан самарали фойдаланишни таъминлайди, бу эса иқтисодий ўсиш нуқталарининг шаклланишига олиб келади. Бунда ресурс манбалари, сотиш бозорларини ва ялпи транспорт харажатларини ҳисобга олиш зарур бўлиб, уларнинг миқдори турли бозорлардаги талаб ва ишлаб чиқариш кўламларидан

¹⁰ Еремеева Л.Э. Транспортная логистика. Уч.пос.Сыктывкар: СЛИ, 2013.

¹¹ Гаврилова А.И.Региональная экономика и управление. М.: ЮНИТИ-ДАНА 2002.

¹² Михеева Н.Н. Региональная экономика и управление: учеб.пос. для вузов.Хабаровск. РИОТИП, 2000. 400

келиб чиқиб, ўзгаради. Минтақавий ёндашув тарафдорлари ўз назарияларини иқтисодий фаолликни маконда бир текис тақсимлаш тамойили асосига қуради. В.Кристаллер назарияси у ёки бу товарлар ва хизматларни ҳар бир ишончли пунктда, кўшни қишлоқлар ёки фақат йирик шаҳарларда ишлаб чиқаришни изоҳлайди. А.Леш иқтисодий минтақани “минтақалараро рақобат шароитидаги чегаралар билан биргаликдаги бозор сифатида” кўради¹³.

БМТ ижтимоий тараққиёт институти (UNSRID) турмуш сифатини инсоннинг асосий эҳтиёжлари мажмуи билан тенг аниқлайдиган ҳаётий фаолият шароитларининг тавсия этилган рўйхатида транспорт билан таъминланганликни кўрсатиб, унинг кўрсаткичи транспорт инфратузилмасининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, транспорт тизимларининг минтақавий хусусиятлари транспорт қулайлиги орқали аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади¹⁴. Транспорт инфратузилмасининг шаклланиши маҳаллий истеъмолчилар талаби ва бизнес томонидан тақдим этиладиган таклиф билан белгиланган. Хизматлар ва неъматлар айирбошлаш учун маркетинг алоқаларини ташкил қилиш жараёнида минтақа минтақалараро ўзаро таъсир субъекта сифатида чиқади.

Тадқиқот методологияси

Инфратузилмани тадқиқ этиш **УЧУН** кўпинча тизимли таҳлил усули қўлланилади. Ушбу ёндашувнинг мазмуни шундан иборатки, ҳодиса ёки объект мураккаб ташкилий бир бутунлик сифатида ўрганилаётган объектни таркибий қисмларга ажратиш ёки хусусиятли кичик тизимларни киритиш, унинг унсурлари ўртасидаги боғлиқликларнинг аниқланиши сифатида қаралиб, уларнинг мавжудлиги объектни тизимли қилади ва унинг ички динамикасини белгилайди¹⁵.

Инфратузилмани тадқиқ этишга тизимли ёндашув бир неча тамойилларга таянади. **Биринчидан**, бир бутунлик тамойилига. К.Маркснинг ёзишича: “Ушбу узвий тизимнинг ўзи жами бир бутунлик сифатида ўз шарт-шароитларига эга ва бир бутунлик йўналишида унинг ривожланиши айнан жамият барча унсурларини бўйсундириш ёки улардан етарли бўлмаган органларни тузишдан иборат. Шу йўл билан тарихий ривожланиш жараёнида бир бутунликка айланади”. Инфратузилма тадқиқотида ушбу тамойилнинг қўлланилиши фақат бир бутунлик хусусиятини ҳисобга олиб, инфратузилмани ривожлантиришнинг мазмуни ва хусусиятларини, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ролини тўғри ёритиш мумкин.

Иккинчидан, тизим ҳосил қилувчи алоқалардан четлашиш тамойилига. Ушбу тамойилнинг қўлланилиши, бир томондан, асосий ишлаб чиқариш тармоқлари ва инфратузилма унсурлари ўртасидаги муносабатлар, алоқаларни ўрганишга, иккинчи томондан, инфратузилма ичидаги алоқа ва муносабатларни ўрганишга олиб келади. Амал қилиши инфратузилмани тизимли хусусиятга эга объектга айлантирадиган кўплаб алоқалардан четлашиш уларга инфратузилмани ривожлантиришда турлича роль, турлича сифат, турлича тур бериш имкониятини яратади.

Учинчидан, турлича таркибий тузилишни аниқлаш тамойилига. Тадқиқ этилаётган тизимда унинг таркибий унсурларини ажратиш имконини бериб, улар ўзаро ахборот алмашиш қобилиятига эга бўлади ва бунинг натижасида нисбатан мустақил, аммо ягона бир бутун тизим доирасида амал қиладиган маълум даражадаги кичик тизим вужудга келади.

Тизим таркиби “горизонтал” ва “вертикал” хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Биринчи вазиятда бир даражадаги унсурлар ўртасида алоқалар, масалан, транспорт ва алоқа ўртасида, транспорт ва моддий-техник таъминот ўртасида, иккинчи вазиятда эса тизим турли даражадаги унсурлари

¹³ Минакир П.А. Экономика и пространство (тезисы размышлений). Пространственная экономика, 2005. №1. С.4-2⁶. ^

¹⁴ Экономическая теория./под ред.Носовой С.С. М.:Кнорус, 2008. 383 с.

¹⁵ Иншаков О.В., Русскова Е.Г. Инфраструктура рыночного хозяйства: системность исследования.// Вестник СПбГУ. Сер.5.-2005.-Вып.2.

Ўртасида, масалан, мамлакат ва минтақа инфратузилмаси ўртасида алоқалар вужудга келади. Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан инфратузилма - бу жамият амал қилишининг ҳаётий муҳим, умумий шароитларини таъминловчи тамойил асосида тузилган тармоқлар тизими ёки мажмуидир. Шу маънода уни унсурлари нафақат ишлаб чиқариш учун, балки инсоннинг кунлик турмуши учун зарур бўлган шароитлар ҳисобланадиган мураккаб тизимга киритиш мумкин. Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси шунинг учун ҳам минтақа ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим унсури ҳисобланадики, у минтақа иқтисодий маконининг бирлигини ва унинг ташкилий-худудий бир бутунлигини ҳамда минтақалараро иқтисодий алоқаларни белгилайди.

Мамлакатимиз автомобиль транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Автомобиль транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш бўйича вилоят ва шаҳар ҳокимиятларидаги комиссиялар ҳамда Агентлик қошидаги Идоралараро комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очик тендер танловлари орқали жойлаштирилди.

Авторанспорт хизматлари ва сервисни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш, аҳолига, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари ва сервис даражаси ҳамда сифатини ошириш доирасида йўналишли транспорт тармоғи ривожланмоқда. Ҳозирги кунда юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам йўловчи ташиш транспорти хизмати етиб бормаган жой қолмади. Вилоятларда ҳокимликлар билан биргаликда йўналишларда йўловчилар оқими ва аҳолининг йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжлари ўрганиб чиқилмоқда ва автокорхоналардаги мавжуд автобусларни янгилаш масалаларида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ҳал қилувчи транспорт-транзит тармоғига айланиши учун транспорт-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва янгилаш, маҳаллий ва халқаро транспорт хизматлари таркибини диверсификация қилиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш ва таннархини камайтириш талаб этилади.

Ҳаво транспортини ривожлантириш учун инфратузилмани анча модернизациялаш тақозо этилади. Айниқса, бу учиш-қўниш йўл-йўл чизикларига, рулли йўлларга, самолётлар тўхташ жойларига, ёруғлик сигнализация ускуналарига тегишлидир. Қатор туманларда аэропортлар мавжуд эмас ёки барқарор ишламайди. Айниқса, ҳаво транспорти муқобилига эга бўлмаган жойларда бу масала долзарб бўлиб турибди.

Шундай қилиб, бутун минтақавий транспорт инфратузилмаси техник қайта қуроллантиришга муҳтож. Бу транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, минтақалар иқтисодиётига хизмат кўрсатиш, юк ташиш ва атроф муҳит хавфсизлигини таъминлаш учун зарурдир.


Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси асосий турлари бўйича қуйидаги вазифаларни тезкор қал қилиш зарур:

- темир йўл инфратузилмаси учун ҳозирги вақтда иссиқлик энергияси асосида ишлайдиган қўплаб участкаларни электрлаштиришни яқунлаш зарур;
- автйўл инфратузилмаси учун магистраллар йўл қопламани тиклаш, аҳоли яшаш жойларида ва шаҳарлардаги кўп бўғинли йўл тармоқларида айланма йўллар яратиш талаб қилинади;
- ҳаво транспорти инфратузилмаси учун ишлаб чиқариш асосий объектларини тиклаш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш зарур.

Умуман, транспортировкалаш барча турлари бўйича минтақавий транспорт инфратузилмаси ривожланишининг мавжуд даражаси иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги вазифалари ва жаҳон иқтисодий маконига интеграциялаш талабларига мос келмайди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2021 йилда транспорт хизматлари ҳажми 67418,3 млрд. сўмга тенг бўлиб, уларнинг ўсиши 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 16,0% ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида ушбу турдаги хизматларнинг улуши 23,8% ни ташкил этди (**1-расм**).

8,7



- автомобиль транспорти
- кувур транспорти
- темир йўл транспорти хизматлари
- ҳаво транспорти хизматлари

1-расм. 2021 йилда турлари бўйича транспорт хизматларининг таркиби¹⁶, % да

2021 йилда транспорт хизматлари умумий ҳажмида автомобиль транспорти хизматларининг улуши 50,0%дан юқорини ташкил этди. 2020 йилда ушбу кўрсаткич 53,1% ни ташкил этган. Транспорт хизматларининг энг катта улуши автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларга тўғри келмоқда. Транспортнинг ушбу тури бошқа транспорт турлари билан таққослаганда, ўзининг мослашувчанлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг нисбатан арзонлиги сабабли юқори талабга эга ҳисобланади¹⁷.

2021 йилда автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 37114,4 млрд. сўмга тенг бўлди. 2020 йилга нисбатан ушбу хизматлар ҳажми 17,8% га ошган. 2021 йилда автотранспорт хизматларининг юқори ўсишига Самарканд (24,2%), Наманган (22,5%), Жиззах (22,1%), Фарғона (21,5%), Қашқадарё (19,9%) ва Сурхондарё (19,4%) вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида (21,6%) эришилди. Ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмининг бир оз ўсиш суръати Сирдарё вилоятида (107,7%) кузатилди.

Ўзбекистонда транспорт воситалари ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 йилда ушбу кўрсаткич автомобиллар сони бўйича 2017 йилдаги 145047 тадан 2020 йилдаги 285226 тага ошди. Бу ўсишда енгил автомобилларнинг улуши 99,8% ни ташкил этгани холда, автобуслар сонининг камайиши кузатилгап (415 тага) (2-жадвал).

Ўзбекистон худудлари бўйича жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситаларининг сони бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳри (16,2%), Самарканд (11,7%), Фарғона (10,2%), Тошкент (9,3%) вилоятларига, энг паст улуш эса Сирдарё (2,2%), Жиззах (2,7%), Навоий (2,7%) вилоятларига тўғри келади¹⁸.

¹⁶ www.stat.uz

¹⁷ www.stat.uz

¹⁸ www.stat.uz

1-жадвал. Ўзбекистонда транспортнинг асосий кўрсаткичлари (амалдаги нархларда, млрд.с.)

	2017	2018	2019	2020
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият турларининг ялпи қўшилган қиймат	25305,5	30616,0	36630,4	38531,5
Ташиш ва сақлаш асосий фондлари (қайта тиклаш қиймати)	4551 1,6	62888,4	76000,7	86987,2
Ташиш ва сақлаш бўйича асосий капиталга қиоитилган инвестициялар	6369,0	8487,5	14047,7	14132,7
Транспорт хизматлари ҳажми	36217,2	44159,4	54473,5	53662,9
Ташиш ва сақлаш корхона ва ташкилотлари ходимларининг ўртача йиллик сони, минг киши	198,3	209,0	228,3	210,2

Ўзбекистонда транспортда ташилган юклар умумий ҳажми 1366,7 млн. тоннани ташкил этади, 90,6% и автомобилга тўғри келиб, темир йўл (5,2%), қувур йўли (4,2%), ҳаво йўли (0,4%) кичик улушга эга. Транспортнинг юк айланмаси 66,9 млрд.т./км ни ташкил қилиб, унинг 40,1% и қувур йўлига, 35,3% и темир йўл, 24,2% и эса автомобиль транспортига тўғри келади¹⁹.

2-жадвал. Ўзбекистонда транспорт воситалари ишлаб чиқориш тонна (дона)20

	2017	2018	2019	2020
Автомобиллар жами	145047	225853	277967	285226
Шу жумладан:				
Енгил автомобиллар	140247	220667	271113	280080
Автобуслар	1057	949	1534	642

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, шуни айтиш мумкинки, бозор муносабатлари шароитида транспорт фаолиятини давлат томонидан кўп бўғинли ва ҳар томонлама тартибга солишнинг ривожланган ва самарали тизимини яратишга интилиш алоҳида роль ўйнайди. Ривожланган мамлакатларда бу борада мақсад ва вазифалар ягона, амал қилиш механизмига муҳим миллий тафовутлар ҳослиги жамоат транспорти тизимининг монополиядан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши билан боғлиқ равишда, маълум сабаблар билан белгиланган

Хулоса

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлил қилиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда аксарият ривожланган хорижий мамлакатлар мавжуд муаммоларнинг бартараф қилиш йўлида амалий ҳаракатларни амалга ошириб бормоқда. Хориж мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб Мамлакатимизда ҳам, транспорт муаммоларини ҳал қилиш бўйича радикал чораларни амалга ошириш зарур. Чунки минтақаларнинг иқтисодий ҳолати, саноатнинг самарали ишлаши ва инвестицион жозибadorлиги транспорт инфратузилмасининг ҳолатига боғлиқдир.

Миллий транспорт модели - бу миллий транспорт сиёсатининг операцион кўринишидир. Миллий моделни ишлаб чиқиш мамлакат транспорт сиёсатининг айрим, асосий жиҳатларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилади. Миллий транспорт модели амал қилишининг иккинчи жиҳати уни амалга ошириш усули ҳисобланади, яъни тармоқ турли моделларининг рақобатбардошлиги ўринли бўлади.

Транспорт инфратузилмасининг асосий муаммолари қаторига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: янги ҳудудларни ўзлаштириш асосий йўналишлари бўйича шаҳар

¹⁹ www.stat.uz

агломерацияларининг ривожланишини тўхтатиб турувчи радикал трассаларга кириш қобилиятининг чекланганлиги; транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда биргаликдаги вазифаларни ҳал қилишни маҳкамавий муассасалар ва идоралар ўртасида мувофиқлаштиришнинг паст даражаси; ушбу босқичда концессия шартномалари асосида амалга ошириладиган бир қатор лойиҳалар билан чекланадиган транспорт инфратузилмаси алоҳида сегментларини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда давлат-хусусий ва туман-хусусий шериклик механизмларидан етарли фойдаланмаслик; транспорт-логистика хизматлари соҳасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги (масалан, омборхона кўчмас мулкларидан ноқиллона фойдаланиш ва юкларни жўнатишда йўқотишларга олиб келадиган омборхона бинолари учун ижара тўловларининг асосиз ортиши) ва б.

Ижтимоий-иқтисодий тизим умумий инфратузилмаси таркибида транспорт инфратузилмаси бошқарув тизимининг амал қилиши қуйидагиларга йўналтирилган: ушбу тизим унсурларининг шериклик ўзаро таъсири асосида шаҳар агломерацияларининг ривожланишига олиб келувчи синергетик (йўловчилар ва юкларни ташиш ва бошқа хизматлар ҳажмларининг сифат жиҳатдан ўсишидан иборат) ва мультипликатив (аралаш тармоқлар ва кичик тармоқларда янги иш ўринларининг ўсиши) самараларига эришиш; шаҳар ижтимоий-иқтисодий тизими тармоқлари ва кичик тармоқларининг, бошқа иқтисодий субъектларнинг транспорт инфратузилмаси такдим этаётган хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқ ва ўз вақтида қондириш; шаҳар агломерацияси ривожланишини таъминловчи муҳим омил сифатида чиқадиган аҳолининг макон ва меҳнат ҳаракатчанлиги жараёнларининг рағбатлантирилишига кўмаклашиш; минтақанинг иқтисодий, маданий ва туристик аҳамиятга эга объект сифатида жозибадорлигининг ўсишига кўмаклашиш; Ўзбекистон ва халқаро бозорларда транспорт инфратузилмаси томонидан такдим этилаётган товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигининг ўсишини таъминлаш.

Транспорт инфратузилмасининг амал қилиши ва ривожланишининг юқорида келтирилган устувор йўналишларига эришишни қуйидаги ўзаро боғлиқ вазифаларни ечиш асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ: минтақа марказида автомобиль йўлларига босимни камайтиришни таъминловчи амалдаги ва янги тезюрар йўллар қуришга киришиш қобилиятини ошириш; минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими умумий инфратузилмаси таркибида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун давлат, минтақа ва хусусий манбалардан, жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиб, олинган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш; транспорт инфратузилмасининг самарали амал қилишини таъминловчи замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // w\vv\president.us.
2. Кураков Л.П. Энциклопедический словарь: экономика, инновации, инвестиции и инфраструктура. -2008.
3. Новоселов А.С. Региональные рынки: учеб. -М., 1999. -С. 168-170
4. Никитская Е.Ф., Пойкин А.Е. Концептуальные подходы к сущностной характеристике экономической и инновационной инфраструктуры. [Электронный ресурс]. Интернет — журнал «Науковедение». Том.8.№2 (2016). Режим доступа: [http://naukovedenie.ru/PDF/77EVN216.pdf/](http://naukovedenie.ru/PDF/77EVN216.pdf) (дата обращения: 07.05.2017).
5. Носова Н.С. Социальная инфраструктура в воспроизводственном процессе. М. Экономика, 1984.
6. Раббимов И. Интеллектуал транспорт тизимлари. //Иқтисодий шарҳ. 2022 йил, №4-сон. Б.74-

79.//www.review.uz

7. Региональные исследования за рубежом./Под ред.Ю.М.Павлова, Э.Б.Алаева. М.:Изд-во «Наука»,1973. -С. 109
8. Носова Н.С.Социальная инфраструктура в воспроизводственном процессе. М.Экономика, 1984.
9. Хисамутдинов И.А.Основы экономики и теории рынка.Уфа:УГНТУ, 2010.734 с.
10. Амбарцумов А.А., Стерликов Ф.Ф. 1000 терминов рыночной экономики. Справочное учебное пособие. М.: Кром-Пресс, 1993. С. 100
11. Ильиченко А.Н., Абрамова Е.А. Оценка инфраструктурного потенциала региона.// «Современные наукоемкие технологии. Региональные приложения». №2(22), 2010. С.28-35.
12. Бкалабанов И.Т., Балабанов А.И. Внешнеэкономические связи: учеб.пособие. М.:Финансы и статистика, 2000. С.69
13. Иванова НА. Классификация объектов региональной инфраструктуры. «Современные наукоемкие технологии. Региональные приложения». №1(37), 2014. С.40-41 ¹ Еремеева Л.Э. Транспортная логистика. Уч.пос.Сыктывкар: СЛИ, 2013.
14. Гаврилова А.И.Региональная экономика и управление. М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2002.
15. Михеева Н.Н. Региональная экономика и управление: учеб.пос. для вузов.Хабаровск. РИОТИП, 2000. 400 с.
16. Минакир П.А.Экономика и пространство (тезисы размышлений). Пространственная экономика, 2005. №1. С.4-26.
17. Экономическая теория./под ред.Носовой С.С. М.:Кнорус, 2008. 383 с. ^
18. Иншаков О.В., Русскова Е.Г. Инфраструктура рыночного хозяйства: системность исследований.//
19. Вестник СПбГУ. Сер.5.-2005.-Вып.2.
20. Носова Н.С.Социальная инфраструктура в воспроизводственном процессе. М.Экономика, 1984.
21. Ильиченко А.11, Абрамова Е.А. Оценка инфраструктурного потенциала региона.// «Современные наукоемкие технологии. Региональные приложения». №2(22), 2010. С.28-35.
22. Бкалабанов И.Т.. Балабанов А.И. Внешнеэкономические связи: учеб.пособие. М.:Финансы и статистика,
23. www.stat.uz
24. www.stat.uz
25. Ўзбекистонда транспорт ва алоқа. —Т.:2021. — Б.20.
26. Ўзбекистонда транспорт ва алоқа. -Т.:2021. - Б.22.